# МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

## бўлган хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини янада кучайтириш масалалари Ўзбекистон ХДП фаоллари муҳокамасида бўлди

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан «Фаол аёллар» қаноти — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ишончли таянчи» шиори остида форум ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, ЎзХДП электорати вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳадаги ислоҳотлар ҳамда жамиятнинг маънавий янгиланишида аёлларнинг фаол иштироки ҳақида фикр юритди.

— Хотин-қизларнинг жамият ривожидаги ўрни ва роли ҳақида сўз юритганда, аввало, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари бизнинг манфаатларимизни кўзлаб кўплаб ташаббусларни илгари сургани, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, уларга кенг шароитлар яратиш ҳар доим у кишининг эътиборида эканини алоҳида таъкидлаш зарур, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Шу масалага доир қатор қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар аёлларимизнинг фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар, янгиланиш ва демократлаштириш жараёнларида фаол иштирок этишини кучайтирди. Бугунги форумдан мақсад ҳам партиямиз сафидаги аёллар фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг жамиятдаги ролини, иштирокини бундан-да кучайтириш, мавжуд имкониятларни муҳокама қилишдан иборат. Биз партиямиз сафида бўлган хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини янада оширишдан манфаатдормиз. Бугунги кунда партия аъзоларининг 40 фоизга яқинини аёллар ташкил қилади. 14 та минтақавий партия кенгаши раисларининг 3 нафари аёллар. 206 нафар аёл «Фаол аёллар» қаноти етакчиларидир. Вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатларнинг салмоқли қисмини аёллар ташкил этади. Берилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, жамиятдаги мавқеимизни янада оширишимиз, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

— Ўқиш, касб ўрганиш, давлат ва жамият ишларида фаол қатнашиш, оналик вазифаларини сидқидилдан бажариш учун хотин-қизларга барча шароит ва имкониятлар яратилган, — деди Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдураҳимова. — Партиянинг аёллар қаноти эса ўз атрофида бирлашган ва ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган, бола тарбияси билан шуғулланаётган аёллар орасида ишлаб, уларга яратилган шароитлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиши, иқтидорини намоён этишига кўмаклашмоқда. Бунинг натижасида, айниқса, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларида ҳамда касаначилик билан шуғулланаётган аёллар орасида қанот фаоллари, партиямиз тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Хотин-қизлар аввало ёш авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, истиқлол ғояларига садоқатли, умумбашарий ва инсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга масъул. Бундай масалалар тарғиботида ҳам тегишли йўналишлар, аниқ вазифаларни белгилаб олишимиз керак.

— «Фаол аёллар» қаноти сафида турли касб эгалари — ўқитувчи ва мураббийлар, фан соҳаси ҳамда тиббиёт ходимлари, журналистлар, шунингдек, талаба қизлар, нафақадаги аёллар, уй бекалари бирлашган, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Раъно Маматқулова. — Демак, биз жуда катта кучмиз. Ўз билимимизни доимий кенгайтириш, маданий-маърифий ва оммавий-сиёсий тадбирларни ташкил этиш, кўплаб ташаббуслар билан чиқиш учун етарли имконият, салоҳиятга эгамиз. ЎзХДП жамиятда аёлларнинг мавқеини янада ошириш тарафдори экан, бу борадаги ишларни такомиллаштириш талаб этилади. Жамиятда аёлларнинг иш билан бандлиги, меҳнат ва яшаш шароитларини янада яхшилаш, ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирок этишини кучайтириш борасида ҳам ташаббус кўрсатишимиз зарур.

Форумда партиянинг шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти жорий йилда амалга ошираётган муҳим вазифалар ҳақида ҳам сўз борди. Шунингдек, демократик ўзгаришлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнига хотин-қизларни янада кенгроқ жалб этиш, уларни ўз салоҳиятини намоён этишига кўмаклашиш масалаларига оид таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Форум якунида театр жамоасининг катта концерт дастури намойиш этилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**махсус мухбиримиз.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

**➢ Тиббиёт масканларида**





# ОВУЛ ШИФОКОРЛИК ПУНКТИ

## *барпо этилгач, аҳоли илгаригидек қирқ километр йўл юриб, туман марказига қатнамайдиган бўлди*

Тан олиш керак, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати йил сайин ошмоқда. Айниқса, узоқ қишлоқ ва овулларда яшаётган аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш йўлида янги-янги шифокорлик пунктлари қурилиши, фуқароларни тиббий кўрикдан вақтида ўтказилиши, касалликнинг олдини олиш чоралари кўрилиши ижобий самара бермоқда.

Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфига кирувчи «Элобод» посёлкаси марказдан қирқ километр олисда. Илгари бу ерда яшаётган аҳоли туман марказидаги поликлиника ва касалхонага келиб даволанар эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги «Маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасаларини ташкилий тузилиши ва фаолиятини юксалтириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига биноан посёлка фельдшер-акушерлик пункти 22 миллион сўмлик маблағ эвазига тубдан қайта таъмирланди ва овул шифокорлик пунктига айлантирилди.

Мазкур пункт ҳозирги кунда ҳудуддаги 1860 нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Венера Хўдайберганова, Роза Тажимуратова, Калбийка Қуанишова, Назира Ешмуратова, Гулмира Байманова каби шифокору ҳамширалар хизматидан аҳоли мамнун.

— Шифокорлик пунктимиз асосан Қўнғирот сода заводи меҳнат аҳлига бирламчи хизмат кўрсатади, — дейди Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор Дурдиниёз Холниёзов. — Тиббий хизмат сифатини ошириш учун Жаҳон банки кредити ҳисобидан «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича замонавий асбоб-ускуналар олинди. Малака оширилди. Шифокорларимиз хонадонма-хонадон юриб қариялар, ногиронлар ва болалар сиҳат-саломатлигини назоратда тутишади. Мактаблар, болалар боғчалари, маҳалла ва жамоат жойларида тиббий мавзуда суҳбатлар ва савол-жавоблар ўтказишади.

Дарвоқе, элободлик тиббий хизмат ходимлари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳоли саломатлиги муҳофазаси йўлида кўп ибратли ишлар қилишмоқда.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**ўз мухбиримиз.**



# ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

## ҳар қандай муаммо ечимини топиш мумкин

500 метр масофага газ қувури тортилиб, жами 3 километр тармоқ билан газ таъминоти яхшиланди. Бу масалалар партиямизнинг туман кенгаши аралашуви билан ҳал этилди. ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан қишлоқда тоза ичимлик суви таъминоти бўйича вилоят ҳокимлигининг махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Катта қишлоқнинг ўзига хос муаммолари бўлиши табиий. Қишлоқ саноат корхонасига эга эмас. Аҳолининг 12,5 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади. Шу маънода, бандлик масаласи доимий назоратда туриши, ўз вақтида ҳал этиб борилиши ўта муҳим. Шундан келиб чиқиб, қишлоқда вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг кўчма қабули ташкил этилди. Тадбир бир неча кун аввал аҳолига маълум қилинди. Шунинг учун ҳам партия кенгашининг ташаббусини қишлоқ аҳли хурсандчилик билан қабул қилди.

— Қишлоғимиз оқсоқоли вилоят Кенгашига депутат бўлганидан бери анча ишлар амалга оширилди, — дейди «Чомбағиш» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдусаломхўжа Қаюмов. — Аммо ичимлик суви ва электр таъминоти масаласида айрим муаммолар йўқ эмас. Мен 80 оила номидан келдим. Маҳалламизга сув чиқариш учун насос ўрнатиш зарур. Бу, албатта, саъй-ҳаракат ва маблағ талаб қилади. Ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилсак, масала тез ечим топади.

Ҳудди шундай масала билан «Ўрта», «Туман», «Хўжа», «Шўркент» маҳалла фуқаролар йиғинларидан ҳам вакиллар мурожаат қилишди.

Масала туман ҳокимлиги, электр тармоқлари корхонаси, газлаштириш идораси ҳамда тегишли бошқа ташкилотлар билан бирга ҳал этиш учун назоратга олинди.

«Янгиариқ» маҳалласида йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ иш фермер хўжаликлари ҳомийлигида амалга ошириладиган бўлди.

— Мен «Туман» маҳалла фуқаролар йиғинидан келдим, — деди Абдуғафур Мамажонов. — Бизнинг маҳаллада асосан ёш оилалар истиқомат қилади. Болаларимиз мактабнинг бошланғич синфида ўқийди. Маҳалламизга яқин 2-мактабда таянч бошланғич синфлар очилишига ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз. Чунки ҳозир шу ёшдаги болаларимиз 2,5 километр масофага қатнаб ўқияпти.

Мурожаатдан келиб чиқиб, масала мутасаддилар эътиборига ҳавола этилди. Вилоят Халқ таълими бошқармасидан олинган сўнгги маълумотга кўра, 2-мактабда бошланғич синфлар очиш имконияти бор ва бу ҳаракат бошланган. Шунингдек, маҳалла аҳолисининг эҳтиёжига кўра, янги нoввойхона ишга тушадиган бўлди.

Кўчма қабул жараёнида вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосарлари Нигорахон Нуралиева, Зафаржон Усмонов, туман партия кенгаши раиси Абдуҳаким Жалолов, туман Кенгаши депутати Лутфиддин Сулаймонов саъй-ҳаракати билан қишлоқ врачлик пунктида таъмирлаш ишларини амалга ошириш масаласи вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда, назоратга олинди. Уйида паррандачилик билан шуғулланмоқчи бўлган «Туман» маҳалласидан Исломжон Муродовга бир миллион сўм кредит олиши, «Чумбош» маҳалласидан Сотиболди Юсупов мева қуритишга ихтисослашган минизавод қуриши, «Деҳқонобод» маҳалласидан Ҳамидулло Воҳидов маҳаллада «Халқ банки»нинг шохобчасини очиши учун амалий кўмак бериш бўйича ҳаракат бошланди. Бошқа мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳам ижобий ҳал этишга киришилди.

«Бирлашган»ликлар Собитхон Муродхўжаев, Абдураҳмат Қўзиев, Шуҳратжон Маҳкамов, Каримжон Шодиев сингари ижодкорлар, шунингдек, шохмот бўйича 2 марта Ўзбекистон чемпиони Ҳабибулло Маматов, каратэчи Дониёр Йўлдошев шу қишлоқдан етишиб чиққани билан фахрланади.

Турли масала бўйича 19 нафар фуқаро кўчма қабулхонага мурожаат қилди. Шу куни 5 нафар маҳалла маслаҳатчисига ХДПга аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Партия фаоллари ҳар бир таклиф ва истакни эътибор билан тинглаб, ўзаро муҳокама этиб, ижобий ҳал этиш юзасидан аниқ режа белгилаб олдилар. Бунга масъул фаоллар тайинланди.

— Бугунги кўчма қабул қишлоғимиз аҳлининг оғирини енгил қилишда янада ҳамжиҳат бўлишга ундади, — дейди партия фаоли Азимжон Таваккалов. — Албатта, бу масалалар ўзининг ижобий ечимини топади. Ҳамма гап ҳаракатга боғлиқ. Ҳамжиҳат бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб ҳаракат қилсак, кам бўлмаймиз.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

**❖ ЎзХДП фаоллари**

# ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ КУЧИ

## *ҳаётий мисоллар ва қиёсий таҳлилга боғлиқ*

ЎзХДП Вобкент туман кенгаши ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида партия фаоли Шавкат Ярашевни учратиб қолдим. У илгари узоқ йиллар туман партия кенгашини бошқарган, ҳозир шаҳардаги 20-мактаб директори. Бу ерга маҳалла фаоллари билан миллий ғоя тарғиботи бўйича давра суҳбатига тайёрланиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш учун келган экан.

Дарҳақиқат, тарғиботчи зиммасида юксак масъулият ётади. Ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий кураш экани назарда тутилса, тарғибот ва ташвиқотнинг аҳамияти нечоғли катта эканлиги янада равшанлашади.

— Тарғибот ишлари изчил ва таъсирчан бўлсагина мақсадга эришиш мумкин, — дейди Шавкат Ярашев. — Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий ва тарғибот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ҳамда «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорлари маънавий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётир. Биз ўз фаолиятимизни ана шу қарорлар асосида йўлга қўйганмиз.

Шавкат Ярашев туман марказидаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшаётган уч мингдан зиёд аҳолининг турмуш тарзи, ютуқ ва муаммоларидан хабардор бўлишга ҳаракат қилади. Суҳбат ва учрашувлар ҳам ҳаётий мисоллар асосида олиб борилади. Ойда бир марта жойларда маданий-маърифий кунлар ўтказишни йўлга қўйган. Бу тадбирларга маҳалла оқсоқоллари, мутахассислар, партиямиз фаоллари таклиф этилади.

— Шавкат аканинг ҳар бир суҳбати қизиқарли ўтади, — дейди партия фаоли Мурод Идрисов. — Юзаки, умумий гапларни айтмайди. Аниқ маълумот ва воқеаларни таҳлил қилиб беради.

Унинг суҳбатлари, амалга ошираётган ишларини кўриб, шу азиз Ватан учун, унинг бугунги ва эртаси учун дахлдорлик ва масъуллик туйғусини янада чуқурроқ ҳис этасиз.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

**✷ Наврўз — боқий қадрият**

# ДЕҲҚОН ДАЛА АЙЛАНАДИ

Илк баҳор насими эсиб, Наврўз байрами тантаналари бошланиши билан бободеҳқонларимиз ўзининг меҳнатда тобланган қадоқ қўллари билан оназамин бағрига барака уруғини сочиб, йил бўйи даласидан бери келмасдан элимиз дастурхонини турфа неъматлар ила безашдек хайрли иш билан шуғулланишади. Мўл ҳосил олиш ниятида тер тўкиб меҳнат қилган деҳқонларимиз асрлар давомида ҳар фаслдан хулоса чиқариб, турли урф-одат ва маросимларни, экинларни қай вақтда экиш ва парваришлаш муддатларини ўзида акс эттирувчи «Деҳқон тақвимини», шунингдек, деҳқончилик пири «Бободеҳқон» тўғрисидаги хилма-хил афсоналарни яратганлар.

Ўзбек афсоналарида буғдой экиб, деҳқончилик қилиш анъанасининг юзага келиши серҳосиллик, доимий яшиллик ва ҳаёт суви тимсолига айланган Ҳазрат Хизр номи билан боғлаб талқин қилинади. Ҳикоя қилишларича, кунлардан бир куни Бободеҳқон йўлда кетаётиб, бир жойда ухлаб қолибди ва туш кўрибди. Тушида оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир нуроний чол унинг қўлига биттагина буғдой донини бериб:

— Мана бу жаннатий неъматни авайлаб асра, у бола-чақангга ризқ бўлади. Ерни яхшилаб ҳайдаб, мана шу донни экиб қўй, Илоҳим баракасини берсин! — дебди.

Бободеҳқон уйғониб қараса, теварак-атрофда ҳеч ким йўқ, кўрганларининг бари туш экан. Аммо кафтида нимадир борга ўхшаб туюлибди, қўлини очиб қараса, битта дон турган эмиш! У донни кўтариб уйига жўнабди. Йўлда бир булоққа дуч келибди. Сув ичгиси келиб, булоққа энгашибди ва ҳовуч-ҳовуч сув олиб ичибди. Юз-қўлини ювгач, ҳалиги дон эсига келиб, қўлини очиб қараса, дон йўқ эмиш. «Хизр бува берган ризқни йўқотганим яхши бўлмади. Энди ўша дон оёқостида увол бўлмасин», деб ўйлаб, булоқнинг атрофини айлантириб девор урибди. Булоқ суви чиқиб турсин учун девор тагидан озгина тешик ҳам қолдирибди. Шундан кейин Бободеҳқон ўз қишлоғига қайтиб кетибди. Орадан анча вақт ўтиб, ёз кунларининг бирида нима бўлибдию Бободеҳқоннинг яна ўша булоқ томон йўли тушибди. Қирдан ошиб ўтаётганда узоқдан ўзи қурган қўрғон ичида нимадир олтиндай товланиб турганига кўзи тушибди. Бориб кўрса, Хизр бува берган ўша бир дона буғдой донидан кўкариб чиққан майса ўсиб бош олган ва пишиб етилиб, бўлиқ қўша бошоғини эгилтириб турган эмиш. Буни кўрган Бободеҳқон хурсанд бўлиб, донларни олиб, қишлоғига қайтиб борибди ва ўз ерига дон сепибди. Буғдой экиб, деҳқончилик қилиш ана шундан келиб чиққан, дейдилар.

Халқимизда қўша бош буғдой барака тимсоли сифатида талқин қилингани боис, ўрим пайтида шундай бошоқни топиб олган ўроқчи даланинг баракасини қўлга киритган ҳисобланади. Ўрим чоғида омадли ўроқчига насиб этган «қўша бош буғдой»ни баҳорга қадар сақлаганлар. Кўклам келиши билан ана шу бошоқлардаги доннинг бир қисмини сумалак қилиш учун ундирилаётган буғдойга, қолганини эса уруғликка қўшиб қўйишган. Шундай қилинса, «қўша бош буғдой», яъни «она буғдой» ҳар бир оилага қут-барака, фаровонлик ва мўл-кўлчилик бахш этади, деб ният қилганлар.

Навбаҳор туманидаги Арабхона қишлоғи деҳқонларининг тасаввурига кўра, эрта кўклам бошланиши билан кузги буғдой экилган далаларда Ҳазрат Хизр кезиб юрар ва у қайси буғдойни қўли билан сийпалаб ўтган бўлса, ўша пояда қўша бош буғдой пишиб етилар экан.

Афсоналарда Бободеҳқон эккан илк буғдой дони Ҳазрат Хизр туҳфаси деб талқин қилингани боис, буғдой пишиғи, яъни ўрим-йиғим пайтида хирмон янчилиб, сомондан дон ажратилгандан кейин айрим деҳқонлар чошни қопларга солишдан аввал бир ҳовуч буғдойни олиб атрофга сочиб юборишган. Буни **«Хизр ҳақи»** ёки **«Қушлар ҳақи»** дейдилар. Хирмон ёнига бегона одам, айниқса, оппоқ соқолли чол келиб қолса, деҳқонлар *«ҳосилимизга барака берди»* деб хурсанд бўлганлар. Баъзи жойларда эса ғалла чош қилинадиган жойга етти дона тош ёки кесак бўлаги қўйилади. Халқ қарашларига кўра, **«Барака кесаги»** ёки **«Хизр кесаги»** деб аталадиган бу кесаклар қут-барака, серҳосиллик келтирар экан. Агар етти дона кесак (ёки тошча) устига чош қилинса, саҳар палласи Ҳазрат Хизр пайдо бўлиб, чошга назар ташлайди ва унинг мўъжизали нигоҳидан чошдаги донга барака ато этилар экан.

Хоразмлик деҳқонларнинг ўзига хос удумларини ўрганган этнограф олим Г.Снесаревнинг ёзишича, «Буғдойни чош қилгандан кейин маълум вақт хирмон атрофида ҳеч ким қолмайди, яъни хирмон қаровсиз қолдирилади. Хирмон ёнида ҳеч ким бўлмаса, ўша пайт Хизр келиб чошга қўлини тегизади, дейдилар. Шунинг учун буғдой дони сомонидан ажралгач, деҳқонлар буғдой донини чош қилиб тўплайдилар ва Хизр чошга қўл урганда унинг муборак панжасининг излари яхшироқ билиниб турсин, деган ниятда чошнинг юзасини ҳамда атрофини яхшилаб текислаб чиқадилар».

Ғалланинг баракаси Ҳазрат Хизр билан боғлаб тасаввур қилингани учун ҳам кўпни кўрган тажрибали деҳқонлар бировни алқамоқчи бўлишса:

**Бош-бошингга, бошингга,**
**Барака берсин ошингга,**
**Айни саҳар бўлганда,**
***Хизр келсин чошингга,*** — деб эзгу ният билдирадилар.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида яшовчи Турсун Тўраев ижросида ёзиб олинган «Майда» қўшиқларида ҳам Ҳазрат Хизрнинг «айни саҳар чоғи чошга назар ташлаши» ўз ифодасини топган:

**Майда, майда морисин, майдаё, майда,**
**Дон сомондан арисин, майдаё, майда,**
**Айни саҳар бўлганда, майдаё, майда,**
***Хўжаи Хизр дорисин, майдаё, майда.***

Ўрта Осиё халқлари эътиқодича, буғдой экилган дала *«Хизр ери»* деб юритилади. Гўёки Ҳазрат Хизр яшил тўнли оқ соқолли чол кўринишида буғдой экилган далаларни айланиб юрар ва унинг этаги теккан ернинг ҳосили мўл бўлар эмиш.

Наврўз байрами билан боғлиқ удум ва одатлар силсиласида келаётган янги меҳнат мавсумининг ҳосили қандай бўлишини чамалаш билан алоқадор турли хил расм-русумлар, ирим-сиримлар ҳам мавжуд. Масалан, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Осиё қишлоғида эрта кўкламда биринчи марта лайлакни кўрган киши дарров ердан бир сиқим тупроқ олган. Кейин ана шу тупроқни кафтга ёйиб кўрган: агар тупроқ ичида кўкараётган ўсимлик уруғи ёки янги чиққан майсанинг навжувон япроғи бор бўлса, йил баракали келади деб ўйлаганлар. Қашқадарёлик деҳқонлар ҳам илк кўкламда **лайлак**ни кўриш бахтдан нишона, деб ҳисоблаганлар. Улар лайлак қайси томондан кўринган бўлса, ўша тарафдан келган одам қишлоққа қут-барака келтиради, дейдилар. Чироқчиликлар эса эрта баҳорда какку сайраганини эшитган киши ўша заҳоти ердан ҳовучини тўлдириб тупроқ олиши керак, шунда *«йил баракали келиб, деҳқоннинг қўли қуруқ қолмайди»*, — дейдилар.

Деҳқончилик маданияти билан боғлиқ анъаналар тизимида баҳорги экиш мавсумида далага биринчи марта қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Чунки далалардан олинажак ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ бўлган.

Этнографик кузатишлар шуни кўрсатадики, анъанага кўра далага қўш чиқариладиган кунни қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришган. Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда экиш мавсумига оид турли-туман анъаналарни кашф этганлар.

Халқимизда деҳқончилик ва чорвачилик ишларини бажаришда юлдузларга қараб иш юритиш анъанаси мавжуд бўлган. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Шер қишлоғида яшовчи 79 яшар Дурди Чўллиевнинг айтишича, қуёш чиқадиган томонда иккита юлдуз, яъни Қўш юлдуз бор. Ана шу Қўш юлдуз осмонда пайдо бўлганда ерга қўш солганлар. Олот туманидаги Ёвкент қишлоғида яшовчи 85 яшар Шосаид Очиловнинг айтишича, **«Қўшвон юлдуз»** деган юлдуз бор бўлиб, у эрталаб тонг юлдузидан олдин кўринади. Шу юлдуз кўрингач, далага қўш киритадилар.

**Маматқул ЖЎРАЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор.**

*(Давоми бор).*

(Давоми. Боши 1-бетда)

